

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ  
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**



**“ИҚТИСОДИЁТ” ФАКУЛЬТЕТИ  
“САНОАТ ИҚТИСОДИЁТИ” КАФЕДРАСИ**

**“ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ МАҲСУЛОТЛАРИ  
РАҶОБАТБАРДОШЛИГИНИ ОШИРИШДА  
ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАРНИ ЖОРИЙ ЭТИШ:  
МУАММО ВА ЕЧИМЛАР” МАВЗУСИДАГИ**

**РЕСПУБЛИКА  
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АНЖУМАНИ**

**ИЛМИЙ МАҶОЛАЛАР ВА  
МАЪРУЗА ТЕЗИСЛАРИ ТҮПЛАМИ**

**2018 ЙИЛ 18 ДЕКАБРЬ**

Фикримизча мамлакатни модернизациялаш шароитида саноат корхоналарида меҳнат унумдорлигини оширишнинг асосий йўналишлари қўйидагилардан иборат :

- замонавий инновацияларга асосланган, юксак самарали техника ва технологияларни жорий этиш;
- саноат корхоналарининг инвестицион жозибадорлигини янада ошириш, хорижий инвестицияларни янада кўпроқ жалб этиш;
- саноат корхоналарида энергиядан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, энергияни тежаш, энергиядан фойдаланишнинг янгича тежамкор усулларини жорий қилиш.

3.Т. Мамадиев - катта ўқитувчи, ТДИУ

### **Мобил банкинг хизматида ахборот хавфсизлиги таъминлаш йўллари**

Банк тизимида ахборот муҳофазаси тизими комплекс тарзда яратилган бўлиб, бунда ахборот бир нечта босқичларда ҳимояланади. Буларга мисол қилиб, электрон тўлов хужжатлари электрон тарзда яратилганда, ушбу хужжат электрон рақамли билан тасдиқланади ва шифрланади, кейинги босқичда ҳимояланган алоқа каналлари орқали юборилади. Шу билан бирга, банк ахборот тизимини ташқи муҳитдан ҳимоялаш мақсадида тармоқлараро экранлар ўрнатилган, шунингдек, банклардаги сервер ва ишчи станцияларнинг барчасига лицензияланган антивирус дастурлари ўрнатилган. Марказий банк тизимида антивирус ҳимояси марказлаштирилган тарзда таъминланган ва унинг базаси мунтазам равишда янгиланиб борилади. Ушбу тадбирлар натижасида, банк ахборот тизимларига ташқаридан ноқонуний равишда кириш ва электрон маълумотларни рухсатсиз тасарруф этиш тўлиқ бартараф этилган.

Банклардаги интернет тармоғига ўрнатилган прокси-сервер аппарат-дастурний қурилмалари ҳар бир фойдаланувчини аутентификация ва идентификация жараёнидан ўтказгандан сўнг кириш хуқукини тақдим этади. Банк локал тармоғи интернет тармоғидан жисмонан ажратилган бўлиб, банк тармоқларида фойдаланилаётган компьютерларни интернетга уланиши қатъиян таъкиқланган. Шунингдек, банк телекоммуникация тармоғи таркибида тижорат банкларининг виртуал корпоратив тармоқлари яратилган. Бу виртуал тармоқларга фақат тижорат банклари томонидан белгиланган фойдаланувчилар махсус пароллар ёрдамида кириши мумкин. Тармоқнинг бошқарув командалари ва маълумотларнинг бошқабошқа каналлардан узатилиши, бошқарув маркази ва алоқа жиҳозлари қўриқланадиган биноларда жойлашиши, бегона шахсларнинг бу биноларга кириши чекланганлиги ҳам хавфсизликни таъминлаш учун хизмат қиласи.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 23.03.2018 йилдаги “Банк хизматлари оммабоплигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ПҚ-3620-сонли Қарорида банк карталари асосида нақд пулсиз ҳисоб-китобларни амалга ошириш бўйича давлат процеслинг ташкилотининг мавжуд эмаслиги чакана тўлов тизимларининг хавфсизлик, узлуксизлик ва ишончлилик даражасига таъсир кўрсатмоқда ҳамда аҳолининг кенг қатламлари учун очик бўлган инновацион лойиҳаларни амалга оширишда замонавий технологик ечимларни илгари суришга тўскинлик қилаётганлиги келтирилган<sup>223</sup>.

Шу билан бирга, мобил банкинг хизматида операцияларни амалга оширишда

<sup>223</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 23.03.2018 йилдаги “Банк хизматлари оммабоплигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ПҚ-3620-сонли Қарори.

баъзи чекловлар муаммоси сақланиб қолмоқда. Мобил банкинг хизматининг ҳуқуқий асослари деярли мавжуд бўлмаганлиги сабабли, кредит ташкилотлари ўз бўлимларининг фаолиятини юридик жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, ахборот хавфсизлиги, ички назорат, банк фаолиятини такомиллаштириш ва ахборот технологиялари бўйича таркибий қисмларни такомиллаштириш лозим. Хусусан, мобил банкингни ташкил қилишда ҳал қилиниши керак бўлган асосий техник масалаларга тўхтадиган бўлсак, улар қўйидаги учта турга ажратиш мумкин:

- 1) маълумотларни мобил телефондан узатиш усули;
- 2) маълумотларни узатишда ахборот хавфсизлигини таъминлаш;
- 3) мижоз билан ахборот алмашинувини ташкил этиш.

Маълумот узатиш каналини танлаш мобил банкинг версиясида масофавий банк хизматининг бир неча муҳим параметрларини белгилайди, жумладан:

- маълумотларни қабул қилиш тармоғи кенглиги, ишлов бериш ва этказиб беришдаги тезлиги;
- ахборот алмашинуви каналини ташкил этувчи техник воситалар ва уларнинг хавфсизлигига (ахборот хавфсизлигига) бўлган ишончлилиги;
- ишлатиладиган тармоқ ресурсларига ва муайян телеком операторлари тарифларига боғлиқ бўлган харажатлар.

Мобил банкингга мижознинг ишончи маълумотларни узатиш хавфсизлиги, шунингдек, операцион риск ва рискнинг бошқа турларида қўлланиладиган шифрлаш стандартларига боғлиқдир. Бу маълумотлар узатиш каналини шифрлаш икки томонлама хавфсизлик юзасидан амалга оширилади. Биринчидан, мобил банкинг хизмати уяли алоқа оператори билан ҳамкорликда амалга оширилади, шунинг учун тармоқ тузилмаларида ахборот хавфсизлигига таҳдид мавжуд (банк мобил банкинг хизматига эгалик қила оласада, аммо бу хизматдан уяли алоқа оператори бошқа мақсадларда фойдаланишига кафолат бермайди). Иккинчи ҳолатда, уяли алоқа оператори ва кредит муассасаси серверининг (икки томоннинг асосий маълумотларидан фойдаланганлиги сабабли) маълумотлар барча мобил алоқа операторлари хавфсизлиги таъминланади, чунки мобил алоқа операторининг контентидан фойдаланиш имконияти йўқ.

Шунингдек, банк ахборот тизимларида ахборотларни ташқарига чиқиб кетишини олдини олиш мақсадида, DLP-тизими (Data loss Prevention) жорий қилинган ва ушбу тизим самарали тарзда ишлаб келмоқда. Ушбу тизим орқали фойдаланувчи томонидан ноқонуний тарзда юборилган маълумотларни аниқлаш ва унга нисбатан чоралар кўриш, келгусида бундай ҳолатларни қайта тақорламаслиги бўйича тегишли ишларни амалга ошириш имкониятини яратилади.

Ушбу тизимларни ташкилий томондан хавфсизлик ва ахборотларни муҳофаза қилиш тизими билан мувофиқлаштириш ахборот хавфсизлигини янада такомиллаштириш имконини беради.

Умуман олганда, масофавий банк хизматларини ривожлантиришда тизимнинг ишончлилиги ва хавфсизлиги омили ҳисобга олган ҳолда платформани танлаш лозим. Дастреб масофавий банк хизматларидан фойдаланувчилар масофавий банк хизматлари платформасининг ишончлилиги ва хавфсизлигидан кўра банкинг обрўсига кўпроқ эътибор қаратади. Банк мижозлари “агар банк ишончли бўлса, банкинг масофавий банк хизматлари ишончли бўлади ва аксинча” деган фикр билан иш юритади.

|  |   |     |
|--|---|-----|
| Д. Нарзуллаева                                   | тартибга солишда ҳалқаро “Базель III” ни жорий этишнинг ўзига хос хусусиятлари.....   | 330 |
| 135. B. Abdurasulov                              | Qishloq xo'jaligi subyektlarini moliyaviy qo'llab-quvvatlashning xorij tajribasi.....   | 334 |
| 136. N. Sultanova                                | Tijorat banklarida investisiya loyihalarni sindisiyalashgan kreditlash amaliyoti.....   | 335 |
| 137. Р. Хожиматов                                | Иқтисодиётни модернизациялаш ва реал секторни ривожлантиришда молиявий институтларнинг ўрни   | 338 |
| 138. Н. Мардиев,<br>С. Аброров,<br>Н. Маматқулов | Қишлоқ хўжалигига инвестициялар жалб қилиш механизмларини такомиллаштириш йўллари.....  | 341 |
| 139. Sh. Toshpo'latova                           | Qishloq xo'jaligi mahsulotlarining raqobatbardoshligini oshirish va ularni yanada kengaytirishda bank kreditlarining ahamiyati..... | 343 |
| 140. Ф. Абдувахидов,<br>Д. Зуфарова              | Хўжалик юритувчи субъектларда харажатлар ва уларнинг ҳисоби.....  | 344 |
| 141. А. Қосимов                                  | Тижорат банкларида даромадларни шакллантиришда ҳалқаро стандартларни жорий этишнинг илмий-амалий асослари.....                      | 347 |
| 142. Д. Сатывалдыева,<br>М. Мирзарахимова        | Пути совершенствования учета расходов по реализации.....  | 350 |
| 143. М. Абдуллаева,<br>Н. Раджабова              | Саноат корхоналарида харажатларни пасайтиришда меҳнат унумдорлиги масалалари.....   | 352 |
| 144. З. Мамадиев                                 | Мобил банкинг хизматида ахборот хавфсизлиги таъминлаш йўллари.....  | 354 |
| 145. Б. Хашимов,<br>О. Рахимбердиев              | Меҳнат унумдорлигини ошириш шароитида иш ҳаки ҳисобини такомиллаштириш йўналишлари....  | 356 |
| 146. У. Турсунова                                | Экономическое содержание и значение прибыли в эффективности производства.....   | 359 |
| 147. А. Қосимов                                  | Банк фойдасининг шаклланиши билан боғлиқ бўлган айрим муаммолар.....  | 360 |
| 148. А. Сатторов                                 | Аудиторлик фаолиятининг қўп поғонали тизимида ички аудитнинг ўрни.....  | 363 |
| 149. С. Джумаев                                  | Махаллий бюджет харажатларининг таркиби ва уларни режалаштириш.....   | 364 |
| 150. Ш. Ёдгорова                                 | Банковская система Узбекистана: новые реалии и приоритеты.....  | 366 |
| 151. X. Xamidov                                  | Milliy qishloq xo'jaligi rivojlanishining o'ziga xos jihatlari.....   | 368 |
| 152. А. Азларова,<br>Ш. Султонов                 | Ҳудудларда инвестицион жозибадорликни ошириш йўли орқали хорижий инвестицияларни жалб этиш..  | 370 |
| 153. Р. Адильчаев,<br>Л. Уразбаева               | Қорақалпоғистон Республикасида қишлоқ хўжалигини ривожлантириш хусусиятлари.....  | 373 |
| 154. Н. Болтаев                                  | Мева-сабзавотчилик мажмуида иқтисодий ва ҳукуқий муносабатларни ривожлантириш.....  | 376 |
| 155. N. Ulug'murodova,<br>E. Ulug'murodov        | Agrar sohada qishloq xo'jalik mahsulotlarining o'sish suratlari.....  | 380 |